

---

Бугун, 15 апрель, Маданият ва санъат ходимлари куни!

2020 йил 26 май куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев имзолаган маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш бўйича фармонга мувофиқ, **15 апрель - Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни этиб** белгиланган.

Бугун ушбу сана мамлакатимиизда илк маротаба нишонланмоқда.

Маданият бу кўзгу, миллатнинг урф-одатлари, маънавияти-маърифати, азалий қадриятларидан биридир.

**Сана муносабати билан, Ўзбекистон тумани ҳокимлиги соҳанинг барча ходимларини, хусусан туман маданият бўлими, 23-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби жамоаларини бугунги айёмлари билан самимий қутлайди.**

Миллий маданиятимизни янада ривожлантириш, бебаҳо миллий санъатимизни янада оммалаштириш ва тарғиб қилиш, ёш истеъдод эгаларининг салоҳиятини юзага чиқаришда уларга улкан зафарлар тилаймиз.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2021-04-15 15:56:04